



ЁШЛАРНИНГ КАСБ ТАНЛАШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРИ, КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маткаримова Севара

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0004-4683-2571

sevaramatkarimova8889@gmail.com

Машарипов Фаррух

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0000-8217-8280

f.masharipov@edu.uz

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда меҳнат бозоридаги ёшларнинг касб танлашдаги муаммолари ҳамда касбга йўналтириш жараёнларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш таснифланган. Шунингдек, ички ва ташқи меҳнат бозоридаги замонавий касблар ва уларга ёшларни йўналтириш, умумтаълим ташкилотларида касбга йўналтириш жараёнлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ёшларни замонавий касбларга ва хорижий тилларга ўқитиш орқали меҳнат бозорида ишга жойлаштириш имкониятлари юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ёшлар касбга ўқитиш, замонавий касблар, касбга йўналтириш, ёшлар орасида сўровномалар ўтказиш, меҳнат бозори, ташқи меҳнат бозори, касбга ўқитиш, хорижий тиллар, касбий таълим ташкилотлари, касбий кўникмалар марказлари.

СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ ВЫБОРА ПРОФЕССИИ МОЛОДЕЖЬЮ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ПРОФОРИЕНТАЦИИ НА ОСНОВЕ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Маткаримова Севара

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Машарипов Фаррух

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье классифицируются существующие проблемы молодежи на рынке труда при выборе профессии, а также совершенствование процессов профориентации на основе опыта зарубежных стран. Также проанализированы современные профессии на внутреннем и внешнем рынке труда и направления молодежи к ним, а также процессы профориентации в общеобразовательных учреждениях. Кроме того, даны предложения и рекомендации по повышению возможностей трудоустройства молодежи на рынке труда через обучение современным профессиям и иностранным языкам.

Ключевые слова: профессиональное обучение молодежи, современные профессии, профориентация, проведение опросов среди молодежи, рынок труда, внешний рынок труда, обучение профессиям, иностранные языки, учреждения профессионального образования, центры профессиональных навыков.

CURRENT PROBLEMS IN YOUTH CAREER CHOICE AND IMPROVING VOCATIONAL GUIDANCE PROCESSES BASED ON THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES

Matkarimova Sevara

The Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Masharipov Farrukh

Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article classifies the current problems faced by youth in choosing a profession in the labor market, as well as improving vocational guidance processes based on the experience of foreign countries. It also analyzes modern professions in both the internal and external labor markets and the orientation of youth toward these careers, along with vocational guidance practices in general education institutions. In addition, the article offers suggestions and recommendations for increasing youth employment opportunities through training in modern professions and foreign languages.*

Keywords: *youth vocational training, modern professions, career guidance, youth surveys, labor market, external labor market, vocational education, foreign languages, vocational education institutions, skill development centers.*

Кириш.

Меҳнат бозорини замонавий эҳтиёжларига мос кадрлар билан таъминлаш ҳар бир давлат учун муҳим масала ҳисобланади. Ёшларни ҳар томонлама етук, билимли, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар қилиб таъминлаш мақсадида мактаб ўқувчиларини касбга ва хорижий тилларга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади.

Бугунги кунда, иқтисодиёт барқарорлиги, барча соҳаларда ривожланган давлатлар билан беллаша олиш ҳам меҳнат бозоридаги кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Бундай кадрлар эса, энг аввало, мактабда шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ-241-сон қарори билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида қуйидагича янги тартиб ўрнатилган. Бунда:

бошланғич синф ўқувчиларига ўқув режага киритилган фанлар доирасида меҳнат бозорида мавжуд бўлган турли касблар тўғрисида тушунчалар бериш;

касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида 5 - 7-синф ўқувчилари учун турли учрашув ва сайёр дарсларни ташкил этиш;

7 - 9-синф ўқувчиларининг касбга мойиллигини аниқлаш бўйича ташхислар ўтказиб бориш ҳамда натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, хунармандчилик марказлари ва бошқа ташкилотларга экскурсиялар ташкил қилиш;

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ўсиш нуқталарига мувофиқ мактаб ўқувчилари учун устувор касбларни белгилаш ҳамда 10- 11-синф ўқувчиларини ушбу касбларга касб-хунарга ўқитиш марказларида ўқитиш белгиланган.

Бундан ташқари, 7-синфдан бошлаб ўқувчилар ўртасида интерактив сўровномалар ўтказиш, касбга бўлган қизиқишини аниқлаш ва уларнинг маълумотлар базасини яратиш, ҳар ойда бир марта “Касблар оламига саёҳат” мавзусида махсус курслар олиб бориш;

- 8-синф ўқувчилари учун ҳар чоракда камида бир маротаба “Менинг келажакдаги касбим” мавзусида семинар-тренинглар олиб бориш ҳамда ўқувчиларни келажакда эгалламоқчи бўлган касбларга йўналтириш;

- 9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган педагогик-психологик ташхислар натижалари асосида келгусида аниқ ишчи касблар бўйича касб-

хунар мактабларида таълим олиши мумкин бўлган ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш вазифалари белгиланган (Қарор, 2022).

Шу билан бирга ёшларга касб ўрганиш имкониятини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан касбий таълим ташкилотларининг амалдаги турларини мақбуллаштириш ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ягона техникумлар тармоғи ташкил этилди.

Мазкур Фармон билан 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб 14 та техникумларда халқаро таълим дастурлари жорий этилмоқда. Техникумларда эндиликда нафақат ички, балки ташқи меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бу эса ёшларни келажакда ёшларни ташқи меҳнат бозорига чиқиш имкониятларини янада кенгайтиради. Ҳозирги кунда Республикамизда 598 та техникумларда 301 та касб ва мутахассислик бўйича ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Шу сабабли умумтаълим ташкилотларида ўқувчиларни кўпроқ техникумларга жалб қилиш орқали уларни меҳнат бозорига малакали кадрлар қилиб кириб келишини таъминлашимиз зарур.

Адабиётлар шарҳи.

Ёшларни келажакда тўғри касб танлаши нафақат уларнинг шахсий тараққиёти, балки жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожини учун ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, бугунги глобаллашув ва меҳнат бозоридаги рақобат кучайиб бораётган бир пайтда, ёшларни касбга тўғри йўналтириш жараёнларини ташкил этиш – Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликларининг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёшларни касбга йўналтириш бўйича бир қанча хорижий олимларнинг қарашлари ҳамда бу соҳадаги назарий ва амалий ёндашувларни шакллантиришда муҳим рол ўйнаган. Жумладан:

Америкалик иқтисодчи, сотсиолог Гинзберг иқтисодий ривожланишнинг фақат технологик тараққиётга эмас, балки одамларнинг малакаси ва салоҳиятига ҳам боғлиқлигини таъкидлаган. Бу бугунги кунда ҳам меҳнат бозори ва касбга йўналтириш жараёнларида муҳим омил ҳисобланишини таъкидлаган.

Гинзберг касбга йўналтириш назариясини 1951 йилда ишлаб чиққан бўлиб, бунда ёшларни касб танлашини 3 босқичга бўлади.

Биринчи босқич: Фаразий босқич – ёш даври 6-11 ёш. Бола касб ҳақида орзу қилади. Боланинг қарорлари аниқ эмас, фақат қизиқиш ва ўйинлар асосида бўлади. Мисол учун бола космонавт бўлишни хоҳлайди.

Иккинчи босқич: Синов босқичи – ёш даври 11-17 ёш. Бола ўзининг қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга ола бошлайди. Касб танлашда “мен нима қила оламан”, “қайси иш менга ёқади” каби саволлар туғилишни бошлайди. Ёшларда реал фикрлаш бошланади, лекин ҳали ҳам тўлиқ аниқ тўхтамга келмайди.

Учинчи босқич: Реалистик босқич – ёш даври 17-25 ёш. Касбий мақсадлар реал ҳаёт шароитлари, имкониятлар, меҳнат бозори ҳолати асосида белгиланади ҳамда ёшларда касб танлашда аниқ қарорлар қабул қилинади, мавжуд имкониятлар инобатга олинади.

Гинзберг (1953) касб танлаш — бу вақт ўтиши билан шаклланидиган жараён бўлиб, уни эрта ёшдан бошлаш зарур деб ҳулоса қилган.

Супер – америкалик психолог ва касбий ривожланиш назариятчиси. У касб танлаш ва карьера ривожланишининг инсон ҳаёти давомида босқичма-босқич шаклланишини асослаб берган таниқли олим.

Супер шахснинг ҳаёти давомида касб танлаши ва ўз йўлини топиши доимий ривожланиш жараёни эканини исботлаган. У “ҳаёт-манзил камалак модели” (Life-career rainbow) ва 4 босқичли карьера ривожини назарияси билан машҳур.

Супернинг 5-босқичли модели:

1. Ўсиш (0-14 ёш) – қизиқишлар шаклланади, ўзини англаш бошланади.
2. Изланиш (15-24 ёш) – касб танлаш йўналишлари синаб кўрилади.
3. Барқарорлашув (25-44 ёш) – доимий иш топиш, касбий ўсиш.
4. Сақлаб қолиш (45-64 ёш) – ўз ўрнини мустаҳкамлаш, тажриба билан ишлаш.
5. Чекиниш (65+ ёш) – пенсияга чиқиш, фаолиятдан кетиш.

Супернинг (1957) фикрича касб танлаш ҳаёт давомида такрорий босқичларда қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини таъкидлаган.

Яна бир америкалик психолог, касбий йўналтириш ва карьера танлови соҳасида дунёга машҳур олимлардан бири Ҳолланд (1959) бўлиб, у касб ва шахс мослиги Ҳолланд назариясини муаллифи ҳисобланади.

Ҳолланд одамлар турли шахсий турга эга бўлиб, улар мос келувчи касб муҳитида ишласа, муваффақиятга эришади деб ҳисоблаган ҳамда ўз назариясини 6 та шахс турига бўлган. Жумладан:

1. Реалистик – амалий. 2. Интеллектуал – таҳлилчи. 3. Артистик – ижодий. 4. Социал – ижтимоий фаол. 5. Enterprising – тадбиркор. 6. Konvension – Анъанавий.

Америкалик психолог эҳтиёжлар иерархияси назарияси билан дунёга танилган Маслоу (1954) инсоннинг касбий танлови унинг ички эҳтиёжлари асосида шаклланди. Масалан хавсизлик, ижтимоийлик, ҳурмат ва ўзини рўёбга чиқариш.

Файзиев, Карамян, Рахимова томонидан тадқиқ этилган, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг касбий қизиқишлари социологик сўровлар ёрдамида аниқлаш ҳамда муҳим илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқишга бағишланган.

Мазкур олимларнинг фикрига кўра, ёшларни касбга йўналтириш уларнинг психологик ва ижтимоий ривожланиш даражасига мос бўлиши, узоқ муддатли режалаштириш асосида амалга оширилиши ҳамда шахсий хусусиятлар, қизиқиш ва қобилиятлар чуқур таҳлил қилиниб касбга мослик баҳоланиши лозимлигини таъкидлашган (Мирзакаримова ва Рахимова, 2017).

Юқоридаги олимлар томонидан билдирилган фикрлардан кўришимиз мумкинки, ёшларни касбга йўналтириш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот ишида мамлакатимиз ҳамда хорижий ривожланган давлатлар иқтисодчи олимларининг ёшларни касбга йўналтириш жараёнлари бўйича илмий тадқиқот ишлари, олимларнинг қарашлари ҳамда фикр ва мулоҳазалари таҳлил этилган. Мақолада эмпирик, тасвирий статистика, гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Касбга йўналтириш – бу ёшларни ўз қизиқишлари, қобилиятлари, шахсий фазилатлари ва меҳнат бозори талабларига мос касб танлашга йўналтиришга қаратилган узлуксиз жараён ҳисобланади.

Касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари билан бирга улар танлаётган соҳага лаёқатли қай даражада мувофиқлигини аниқлаш, бу борада ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида, биринчи навбатда, уларнинг қобилияти ва меҳнати жамият манфаатларига мос тарзда эътиборга олинishi лозим.

Шунингдек, ёшларга турли соҳалар, уларни эгаллаш учун қўйиладиган талаблар, танлаган йўналиши бўйича касб ўргатидиган муассасалар тўғрисида хабардорликни ошириш катта аҳамият касб этади.

Касбга йўналтириш жараёнларининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Касбга йўналтириш яъни бошланғич босқичи:

Бу босқич одатда мактабгача таълим ёки бошланғич таълим даврида бошланади. Бунда болада меҳнатга ижобий муносабат, касблар ҳақида илк тасаввур ҳосил қилиш ҳисобланади.

Буни амалга ошириш учун мактабгача таълим ташкилотларида касблар ҳақида ўйинли дарслар, касблар ҳақида мултфильм ва эртаклар орқали болаларда касбларга қизиқиш уйғотишни ташкил этиш керак.

Шунингдек, мактабларнинг бошланғич синфларида келажакда “мен қайси касб эгаси бўламан” мавзусида амалий машғулотлар ўтказиш лозим.

2. Касбий маълумот бериш яъни ёшларни меҳнат бозоридаги мавжуд касблар ҳақида хабардор қилиш босқичи:

Умумтаълим мактабларининг 5-9 синфларда ўқувчиларга турли касблар ҳақида маълумот бериш орқали ўқувчиларни ҳар бир касбнинг мазмуни, ижтимоий роли, иш шароитлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Бунинг учун касблар тўғрисида видеороликлар, тарқатма материаллар тайёрлаш ҳамда касбий соҳада юқори натижага эришган мутахассислар билан учрашувлар ва маҳорат дарслари ўтказиш.

Шунингдек, ҳокимликлар, иш берувчилар техникум ва умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда график асосида ҳар йили октябр-ноябрь ва март-апрел ойларида “Касблар ҳафталиги” тадбирларини ўтказиш лозим.

3. Касбий маслаҳат бериш яъни психологик йўналтириш босқичи:

Бу босқичда ўқувчилар шахсий қобилиятларини таҳлил қилиб, қайси касбга мослигини аниқлайди. Бунда, психологик (қизиқишлар, ақлий эмотционал қобилиятлар бўйича) тестлар, мактаб психолог ва педагоглари томонидан касб танлаш бўйича тавсиялар ҳамда ота-оналар биргаликда болаларни касб танлаш бўйича суҳбатлар ташкил этиш.

4. Касбга йўналтириш ва тайёрлаш босқичи:


9-синфдан бошлаб ўқувчиларни техникумларга касб ўрганиш мақсадида йўналтириш ҳамда ва техникумда касб эгаллаши орқали уларни меҳнат бозорига касб билан кириб боришини таъминлаш.

5. Бандликка йўналтириш орқали ёшларни ишга жойлашиш босқичи:

Бунда ёшларни техникумга касб ўрганиш мақсадида йўналтириш ҳамда уларни дуал таълим шаклида кўпроқ техникумларга қамраб олиш орқали касбга бўлган қизиқишини кучайтириш ва меҳнат бозорига бирор бир касбни эгаллаш орқали кириб боришини таъминлаш.

Шунингдек, техникумларда ўқиш даврида ёшларни хорижий тилларга ўргатиш орқали уларни хорижда ишга жойлашиш имкониятларини ошириш.


Ёшларни замонавий касб ва мутахассисликларга ўқитиш қўламини кенгайтириш, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг иқтидори ва қизиқишларига мос касбни танлаши учун касбий таълим ташкилотлари томонидан касбга йўналтириш ишларини тизимли ва самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида бир қанча самарали ишлар ташкил этилмоқда.



1-расм. 2024-2025 ўқув йилида умумтаълим ташкилотларида касбга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот


Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда “Касб ва ёшлар” тадбирларини ташкил этиш юзасидан кўрсатма хати юборилади. Мазкур кўрсатма хати орқали умумтаълим мактабларида Сайёр дарслар, Очиқ эшиклар куни, касб маҳорат дарслари ва касбий ютуққа эришган тадбиркорлар ҳамда касб эгалари билан учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.




2-расм. 2024-2025 ўқув йилида умумтаълим ташкилотларида касбга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.



3-расм. 2024/2025 ўқув йилида умумтаълим ташкилотларида сайёр дарслар, очиқ эшиклар куни ва маҳорат дарслари асосида касбга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.



4-расм. 2024/2025 ўқув йилида умумтаълим ташкилотларида сайёр дарслар, очиқ эшиклар куни ва маҳорат дарслари асосида касбга йўналтириш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича маълумот

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Хорижий тажриба. Ёшларни касбга йўналтиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари мустақил концепцияси сифатида биринчи марта АҚШда XX асрнинг бошларида пайдо бўлган бўлиб, мазкур фаолият Френка Парсонс томонидан илгари сурилган ҳамда 1908 йилда Бостонда “Касб танлаш бюроси”га асос солинган. Унинг,

“Касб танлаш” асари 1909 йилдан бошлаб, АҚШда касбга йўналтириш бўйича мутахассисларнинг асосий қўлланмасига айланган бўлиб, унда “талантли йўналганлигини мувофиқлаштириш” ёндашуви ёшларни барча соҳа ва касбга йўналтиришда эътибор бўлиб хизмат қилади.

Канадада Мактабда ўқувчиларни касб танлашда тўлиқ касбий билим ва тушунчаларга эга бўлишлари учун “**Қобилиятга кўра карьерани режалаштириш**” деб номланган махсус дарслик жорий қилинган. Мазкур дарсликнинг мазмунини жамиятда мавжуд бўлган барча касблар, уларнинг хусусиятлари ва шахсга қўядиган талаблари даражасидан шакллантирилган замонавий педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларини касбий иқтидор ва қобилиятини рағбатлантириш ҳамда эрта касбий малакаларни шакллантириш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан грантлар ажратилади.

Буюк Британияда ёшларни касбга йўналтириш масаласи 1973 йилдаги махсус қонун билан тартибга солинган бўлиб, мазкур масала таълим ва жамиятдаги барча соҳалар мувофиқлашувида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ёшларни касбга йўналтириш фаолияти сертификатланган профессионал мутахассис-маслаҳатчилар томонидан амалга оширилиб, касбий йўналтириш агентликлари томонидан меҳнат бозори талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда тартибга солиниши тизимлаштирилган.

Шунингдек, мактаб таълимида касб танлаш бўйича мажбурий махсус дарслар ташкил этилган бўлиб, мактаб дастурларида киритилган ҳамда юқори даражада ва савияда ўтилиши белгиланган.

Германияда ўқувчиларни касбий йўналтириш махсус ишлаб чиқилган сўров, тест, суҳбат жараёнларига асосланган комплексли жараёнда ташкил этилиб, махсус мутахассислар консилиум маслаҳатлашуви асосида амалга оширилиб, масъул ташкилотлар билан қўшма тадбирлар орқали амалга оширилади.

Мазкур жараёнда, ҳар бир ўқувчининг индивидуал касбий йўналганлик дафтарини тўлдирилиб, оилавий шароити, шахсий манфаати, қизиқиш ва қобилияти, мойиллик даражаси ҳамда дастлабки касбий йўналганлиги ва кейинги касбий деформация ҳақида умумий маълумотлар акс этади.

Германияда касбга йўналтиришнинг самарали шакллари қўйидагилардир: мактабларда меҳнат фанидан дарслар, корхона ва ташкилотларда амалий машғулотлар, қўшимча касбга йўналтирилган курслар, мактабда фаолият юритадиган кичик корхоналар, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсиялар, касбга йўналтирилган “Касб билан биринчи танишиш” байрамлари ва “Эртанги кун усталари” ярмаркаларини ўтказиш ва бошқалар.

Швеция таълим тизимида ёшларни касбий йўналганлигини муваффақиятли амалга ошириш учун давлат даражасидаги “Ҳаёт зинапоясида қаерга қадам қўйиш керак” махсус дастури жорий этилган бўлиб, таълим тизими касбий йўналганлик диагностика қилинади. Шунингдек ёшларни касбга йўналтиришнинг “Швед модели” деб номланган бўлиб, мактабларида ўқувчиларни касбий йўналтиришга мувофиқлаштирилган мутахассислар фаолият олиб бормади. Бу вазифани фан ўқитувчилари амалга оширади. Шунинг учун ҳам швед мактабларида фаолият олиб борадиган барча ўқитувчилардан юқори касбий профессионализм малакаларига эга бўлиш ҳамда педагогик компетенцияни юқори даражада эгаллашини талаб этилади.

Дания таълим тизимида ёшларни касбга йўналтириш махсус концепциясига асосланган бўлиб, “Ёшлар учун очиқ таълим” дастури аниқ белгиланган муддат билан чегараланмаган ҳолда, дарслар гуруҳлар ташкил этилгандан кейин бошланади ва Таълим вазирлигининг тегишли аккредитациясини олган 460 та таълим муассасаларидан бирда амалга оширилади. Ўқув йили камида 40 ҳафта давом этиб, ўқув

хафтаси 35 соатни ташкил этади ҳамда ўқувчилар ўзини ўзи касбий амалий фаолиятга тайёрлашлари учун мазкур вақт ҳисобга олинган.

Ўқувчининг қизиқиш ва эҳтиёжлар, ҳамда қобилият ва иқтидорига мувофиқ, профессионал маслаҳатчи (ўқитувчи) бириктирилиб индивидуал таълим траекторияси ишлаб чиқилади. “Ёшлар учун очиқ таълим” Қўшма Кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун вазирлик томонидан бириктирилган ОТМ, аккредитациядан ўтган таълим муассаса ва жамоатчилик ахборот марказлари билан функционал фаолият мувофиқлиги таъминланган ҳолда вазифа ва мажбуриятлар белгилаб олинади.

Ушбу лойиҳада иштирок этиб назарий ва амалий билимларни ўзлаштирган ўқувчи (битирувчи)ларга таълим ва академик кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумот тақдим этилади ҳамда натижасига кўра ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолиятда иш бошлаши учун тавсиянома ҳамда мутахассислик дипломлар берилади.

Японияда ўқувчиларни касбга йўналтириш тизими мактаб таълими жараёнига қатъий интеграциялашган бўлиб, кичик мактаб ёшидан касбий йўналганликни таъминлаш таълим тизимининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Япония мактабларида ўқувчилари пуллик асосда ташкил этилган “Дзюку” тайёргарлик курсларида мактабдан ташқари вақтда ҳафтасига 2-3 марта кечқурунги дарслар ташкил этилади. “Дзюку”, яъни “Маҳорат мактаби” репетиторлик тузилмага асосланган бўлиб, ўқувчилар мактабда ўтган назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлайди ҳамда танланган фанлар бўйича қўшимча билимларга эга бўлади.

Сингапурда таълим ва касбга йўналтириш тизими Мактаб – университет (коллеж) – иш жойи” кетма - кет занжири ташкил этилган бўлиб, юқори, ўрта ва махсус йўналган касбий қобилиятлар йўналганлиги таъминланган ҳамда Сингапур давлат сиёсати таълим ғоясининг асоси бўлган “Фикрлаш мактаби, миллатни ўрганиш” шиори остида касбий йўналганлик миллий қадрият даражада амалга оширилган.

Бундан кўзланган мақсад, ҳар бир фуқаро қобилият ва иқтидорига мувофиқ универсал ва узлуксиз таълимни ҳар томонлама чуқур эгаллаган ҳолда, маҳаллий ва дунё бозорининг ҳозирги талабларига жавоб берадиган ҳамда доимий равишда янгиланиб борадиган касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш мотивацияси билан “қуроллантириш” бўлган.

Хулоса ва таклифлар.

Касбга йўналтириш (профессионал ориентация) - бу касбни тўғри танлаш асосларини ўзида жамлаган тадбир бўлиб, ёшларни ва катта ёшдагиларни касб танлашига ва бу орқали уларни ишга жойлашишига кўмаклашиш жараёни бўлиб, бугунги кунда ёшлар касб танлашда учта асосий йўналишга эътибор беришлари лозим ҳисобланади. Жумладан, қайсидир касбни танлашга бўлган хоҳиш, уни эгаллаш учун зарурий қобилиятларга эга бўлиш, айнан шу касбга ҳозирда меҳнат бозорида эҳтиёж мавжуд ёки аксинча эканлигини таҳлил қила олиш керак бўлади.

Бугунги кунда ёшлар орасида касб танлашдаги асосий муаммолар қуйидагилар ҳисобланади. Жумладан:

- Урфда (модада) бўлган касбларни танлашга уриниш;
- Атрофдагиларни босими остида касб танлаш;
- Тенгдошлар маслаҳатига кўра улар билан биргаликда битта касбни танлаш;
- Қайсидир ўзи хавас қилган машҳур шахс сабабли у танлаган касбни танлаш;
- Касблар тўғрисида энг сўнгги ва тўлиқ маълумотларга эга бўлмаслик;
- Ўз қобилият ва қизиқишларини тўғри ва холис баҳолай олмаслик;
- Мактабда ўргатилган қайсидир фанга боғланиб қолмаслик;
- Ўз имкониятларини тўғри англай олмаслик.

Ёшларни касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ўқувчилар билимини баҳолаш натижалари асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларига қараб касбий таълимга йўналтириш.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 250 минг нафар 9-синф битирувчиларини техникумга ўқишга йўналтиришнинг янги тизими йўлга қўйилади.

Бунда, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида касбга йўналтириш ишларини кенгайтириш;

Жумладан, ишчи касбларни ёшлар ўртасида оммалаштириш бўйича ҳар йили Junior Skills Uzbekistan (10-17 ёшдагилар учун) ва "WorldSkills" тизимини жорий этиш.

Junior Skillsнинг мақсади ёшларда касбга бўлган қизиқишни эрта босқичда шакллантириш;

Вилоят ҳокимликлари томонидан техникум ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун "Касб билан биринчи танишиш" ва "Эртанги кун усталари", "Янги Ўзбекистон бунёдкорлари" каби Касблар фестивалини ўтказиш;

STEM фанларига (илм-фан, технология, муҳандислик, математика) қизиқишни кучайтириш;

Мактаб ёшиданоқ амалий ва рақобатбардош кўникмаларни ривожлантириш;

Ёш авлодни келажакдаги меҳнат бозорига тайёрлаш.

Асосий йўналишлар (skills): Робототехника, Веб-дизайн, 3D-моделлаш Электроника, Дастурлаш, Дронлар билан ишлаш, Инжиниринг дизайн, Механика ва бошқалар.

Адабиётлар / Литература / References:

Абраҳам Маслоу (1954) "Motivation and Personality".

Гинзберг Е. (1951) "Occupational Choice: An Approach to a General Theory".

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2022 йил 11 майдаги ПҚ-241-сон қарори.

Мирзакаримова М., Рахимова У. (2017) "Таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорини мувофиқлаштириш ёшлар бандлиги омили сифатида" "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнал №1 январь-февраль.

Сунер Д. (1953) "Vocational Development: Theory and Practice".

Сунер Д. (1957) "The Psychology of Careers".

Фармон (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармони.

Холланд Ж. (1959) "The Psychology of Vocational Choice".

Холланд Ж. (1973) "Making Vocational Choices: A Theory of Careers".